

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ЮРИСДИКЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАСИ

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ КАФЕДРАСИ

Қадамбоева Севинчой Жасурбек қизи

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси йўналиши бўйича таълим олаётган 310-гуруҳ
курсанти*

АННОТАЦИЯ:

Битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, предмети, объекти, вазифалари, профилактика инспекторларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги тушунчаси, бугунги кунда бандлик органларининг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги ролининг аҳамияти, ушбу ҳамкорликнинг хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдаги аҳамияти, ҳозирги ҳолат, шунингдек ушбу ҳамкорлик доирасидаги қатор муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф етиш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Шартли қисқартмалар:

- ИИО**-ички ишлар органлари;
- ТП** – Таянч пункти;
- МЖТК** – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;
- ЖК** – Жиноят кодекси;
- ЖИК** – Жиноий ижроия кодекси;
- ХМҚО** – Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;
- ЖТС**-жамоат тартибини сақлаш;
- ИИВ**-ички ишлар вазирлиги;
- ИИБ**-ички ишлар бошқармаси.

Юридик луғат ва адабиётларда “давлат юрисдикцияси”, “юрисдикция”, “маъмурий юрисдикция” каби ибораларга қуйидагича таърифлар берилган жумладан, “Давлат юрисдикцияси” – давлатнинг суд ва маъмурий органларининг ўз ваколатларидан келиб чиқиб ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳуқуқидир.

“**Юрисдикция**” (лотинча – судлов, ҳуқуқ, сўзлаш деган маъноларни англатади) – тегишли давлат органларининг ҳуқуқий низо, келишмовчиликлар ва хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳал этиш, яъни шахс ёки бошқа ҳуқуқ субъекти ҳаракатларини уларнинг қонунийлиги нуқтаи назаридан

баҳолаш, ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик санкциялар қўллаш ваколатларининг қонунда белгиланган мажмуасидир.

Юрисдикция ҳал этиладиган ишларнинг тури ва хусусиятига(жиноятлар ва маъмурий қилмишлар, мулкӣ келишмовчиликлар ва ҳ.к.), уларнинг ҳудудий тегишлилигига, ишда қатнашувчи шахсларга қараб белгиланади. Юрисдикция деганда, мазкур ваколатлар тааллуқли бўлган муносабатлар соҳаси ҳам тушунилади.

Ваколатли давлат бошқаруви органлари жумладан ИИОлари – ҳуқуқни қўллаш билан бир вақтда маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги (ҳуқуқ ўрнатиш) фаолиятини амалга оширади. Давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги шунда намоён бўладики, улар ваколатлари доирасида бошқа ҳуқуқ субъектлари (бошқарув объекти) учун мажбурий бўлган ҳуқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, маъмурий юрисдикцион (ҳуқуқни ҳимоя қилиш) фаолиятни юритадилар.

Шунингдек, ваколатли давлат бошқаруви органи сифатида ИИОлари жумладан, Профилактика инспекторларининг юрисдикцион хусусиятга эга бўлган ваколатлари доирасида, яъни ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан “*мажбурловга оид*” бошқарувни амалга оширишнинг маъмурий тартибини (суддан ташқари) таъминлайди (масалан, маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш, жарима солиш, расмий огоҳлантириш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш)⁵.

Ички ишлар органлари махсус ҳокимият, ижро этиш, фармойиш бериш ваколатларга эга. Зеро, ИИОнинг ваколатли ходимлари давлат хизматчиси сифатида маъмурий юрисдикцион (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи) чоралар ва ваколатларни амалга ошириш ҳамда маъмурий ҳуқуқий санкцияларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган ҳокимият вакилидир. Ҳуқуқшунос олим Ю.М.Козловнинг фикрига кўра, маъмурий юрисдикцион фаолиятнинг мазмунини ижро этувчи ҳокимият органлари (мансабдор шахслари) томонидан юрисдикцион ҳаракатларни амалга ошириш тартибида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш ташкил этади.

Маъмурий юрисдикцион жараён – ижро этувчи ҳокимият органларининг турли субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш, шунингдек, маъмурий-процессуал шаклда амалга ошириладиган маъмурий ва интизомий мажбурлов чораларини қўллашга қаратилган фаолиятидир.

Маъмурий юрисдикцион жараёнда:

- а) фуқароларнинг шикоятлари бўйича;
- б) маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича;
- в) интизомий;

д) маъмурий чеклов (эҳтиёт) чораларини қўллаш бўйича иш юритиш амалга оширилиши мумкин.

«Маъмурий жараён» ва «маъмурий-процессуал фаолият» бирбирига яқин ва боғлиқ тушунчалардир. Бироқ ҳар қандай маъмурий жараён фаолияти маъмурий-процессуал фаолият ҳисобланмайди.

Маъмурий-процессуал фаолият тушунчасига икки хил ёндашиш мумкин: маъмурий жараён (кенг маънода) – бутун давлат бошқаруви фаолиятини ўз ичига олади; маъмурий жараён (тор маънода) – моддий нормалар санкцияларини қўллаш бўйича фаолиятни ўз ичига олади. Шу билан бирга, олим маъмурий-процессуал фаолиятни унинг юқоридаги кўринишларидан келиб чиққан ҳолда иккига бўлади, яъни:

1) **маъмурий иш юритиш** (унинг мазмунини ижро этувчи ҳокимият органлари (мансабдор шахслари) томонидан маъмурий ҳуқуқ нормаларида белгиланган иш юритиш бўйича фармойиш бериш ҳаракатларини амалга ошириш ташкил этади);

2) **маъмурий юрисдикцион фаолият** (унинг мазмунини ижро этувчи ҳокимият органлари (мансабдор шахслари) томонидан юрисдикцион ҳаракатларни амалга ошириш тартибида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш ташкил этади).

Маъмурий жараён одил судлов (маъмурий, фуқаролик, жиноий) сингари, ҳокимият органлари томонидан қандай масалаларнинг ҳал этилишига қараб бир неча турларга бўлинади. Ҳал этилаётган ишларнинг мазмуни – маъмурий-процессуал шаклга ёки унинг айрим элементлари хусусиятларига таъсир кўрсатади. Агар ҳар қандай жараён доирасида маълум бир ишлар ҳал этиладиган бўлса, унда махсус процессуал қоидаларига зарурияти вужудга келади. Айнан мана шу хусусиятларга қараб жараёнда унинг ўзига хос қисми – иш юритиш ажратилади. Давлат ҳокимияти органлари маълум бир маъмурий жараён доирасида турли хил ишларни ҳал этишига тўғри келади. Уларни умумий процессуал қоидалар билан тартибга солиш мушкулдир. Шу сабабли, маъмурий фаолиятнинг ўзига хос турлари, яъни маълум бир ишларни ҳал этишнинг махсус процессуал қоидалари мавжуд бўлиб, уларнинг йиғиндиси иш юритиш фаолиятини ташкил этади. Масалан, шикоятларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини тайинлаш фаолиятлари кўпгина умумий хусусиятларга эга, лекин бу фаолият турлари махсус қоидаларга ҳам муҳтож бўлади. Демак, маъмурий иш юритиш маъмурий жараённинг бир қисми бўлиб, умумий ва махсус процессуал нормалар ёрдамида маълум ишларни ҳал этишга қаратилган маъмурий фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади.

Маъмурий иш юритиш бир неча кўринишларга эга. Маъмурий ҳуқуқижодкорлиги жараёнида:

- Президент актларини қабул қилиш;
- ҳукумат актларини қабул қилиш;
- марказий ижро этувчи ҳокимият органлари актларини қабул қилиш;
- ижро этувчи ҳокимият субъектларининг актларини қабул қилиш

бўйича иш юритишларни ўз ичига олади.

Маъмурий ҳуқуқни қўллаш (оператив-фармойиш бериш) жараёнида: шахсий таркибни жамлаш бўйича (масалан, ҳарбий хизматга чақириш, давлат лавозимига, ўқув юртига қабул қилиш); давлат мулкни хусусийлаштириш; рағбатлантириш чораларини қўллаш; ресурсларни (масалан, квартира, пул маблағлари, ер участкаларини) тақсимлаш; рухсат бериш бўйича (масалан, лицензия, рухсатнома, бошқариш ҳуқуқини бериш); рўйхатга олиш бўйича (масалан, транспорт воситаларини, хорижий фуқароларни, кўчмас мулкни); маҳсулотлар ва хизматлар сифатини текшириш; назорат ва бошқалар бўйича иш юритишларни ўз ичига олади.

Маъмурий юрисдикциявий жараёнда:

- фуқароларнинг шикоятлари бўйича;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича;
- интизомий; ижро этиш;
- маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритишларни киритиш мумкин.

Турли иш юритиш жараёнлари ҳар доим бир хил амалга оширилмайди. Баъзи ҳолларда иш юритиш аниқ ва тўлиқ процессуал шаклга эга бўлади. Бошқа ҳолларда эса, фаолият тўлиқ тартибга солинмаган бўлади. Ҳар қандай иш юритиш – маъмурий ҳуқуқнинг тегишли институтлари моддий нормалари билан боғлиқ. Процессуал нормалар эса, мана шу институтларга хизмат қилади.

Маъмурий жараён – узлуксиз амалга ошириладиган фаолият бўлиб, турли хил зиддиятларга қарамай, маълум ҳаракатчанлик хусусиятига эга. Маъмурий жараён муайян босқичларнинг кетма-кетлигига, уларнинг такрорланиб туришига асосланади⁶.

Ҳуқуқ субъекти ўз олдида турган мақсадга эришиш учун белгиланган кетма-кетликда маълум бир ҳаракатларни амалга оширади. Ҳар қандай жараён сингари маъмурий жараёнга ҳам босқиччилик хусусияти хосдир. Босқичлар биридан кейин иккинчисининг келишини, олдинги босқичнинг кейинги босқични тайёрлашини назарда тутаяди. Одатда, янги босқич ундан олдинги босқичнинг тугаганидан сўнг вужудга келади. Босқич – бу умумий мақсадга эришиш учун зарур бўлган маъмурий фаолиятнинг мустақил қисми. Ҳар бир босқич ўзига хос мақсадга эга бўлиб, процессуал ҳаракатларнинг умумий

мақсадига эришиш йўлида хизмат қилади. Ҳар бир босқич ўзига хос бўлган: субъектлар доирасига; ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланишга; тайёрланадиган ҳужжатларга; қабул қилинадиган қарорларга; содир этиладиган турли ҳаракатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Маъмурий жараёни умумий ҳолда таҳлил қиладиган бўлсак, унинг камида уч босқичдан иборат эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин:

- 1) маълум бир ҳолатни баҳолаш;
- 2) маъмурий актни тайёрлаш ва қабул қилиш;
- 3) қабул қилинган ҳуқуқий актни ижро этиш.

Ҳар қандай иш юритиш – маъмурий ҳуқуқнинг тегишли институтлари моддий нормалари билан боғлиқ бўлади. Процессуал нормалар эса, мана шу институтларга хизмат қилади.

Юқорида баён этилганларга асосланиб шуни таъкидлаш керакки, ***Ички ишлар органларининг жумладан профилактика инспекторининг маъмурий-юрисдикцион фаолияти ички ишлар органлари зиммасига юклатилган асосий вазифаларидан келиб чиқади***, деб айта оламиз:

– яъни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат. ИИОлари жумладан профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикцион фаолиятининг муҳим бир тури – бу ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишдир, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўзгатиш, иш бўйича далиллар тўплаш, процессуал ҳужжатлар тузиш, уларни кўриб чиқиш, қарор қабул қилиш ҳамда қарорни ижро этиш билан ишни тугатишгача бўлган ҳаракатлар мажмуидан иборат жараёндир.

“Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикцион фаолияти” ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий қонунчиликнинг юридик мазмунини ва ижтимоий-сиёсий моҳиятини, унинг нормалари ҳамда институтлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни, уларни илмий таҳлил қилиш усулларини қўллашни назарда тутади.

Ушбу диплом иши мавзусини ўрганиш жараёнида ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши, моҳияти, профилактика инспектори фаолиятида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашнинг имкониятлари ҳамда чегаралари тўғрисидаги билимларни эгаллайдилар.

“Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикцион фаолияти”

ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари Профилактика инспекторининг маъмурий-юрисдикцион фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, профилактика инспектори фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда таъминлаш чоралари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва унинг субъектлари, субъектлар уртасидаги узаро ҳамкорлик шунингдек Ўзбекистон республикаси маъмурий жавобгарлик тугртсидаги кодексда белгиланган ҳуқуқбузарликлар шунингдек жиноятлар буйича дастлабки суриштирув ишларини олиб бориш ва жиноят ишини кузгатиш, ва бевосита профилактика инспектори томонидан куриб чиқиб хал қилинадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тугртсидаги ишлар яний 24 тамоддада курсатиб утилган ҳуқуқбузарликлар шунингдек бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва улар бўйича маъмурий иш юритиш кабиларни ўз ичига олган ҳолда *предметини* ташкил этади.

“Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикцион фаолияти”нинг манбалари қуйидагилар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги тааллуқли қонунлар жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ” 2014 йил 14 майдаги Қонуни⁸; Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрдаги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Олий Мажлиснинг қонунчилик ҳужжатлари, Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан белгиланади. Уларни кейинги саволда батафсил кўриб чиқишимиз мумкин бўлади.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикцион фаолиятининг таркибий қисмларидан бири бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритиш – Ўзбекистон Республикасида профилактика инспектори фаолиятида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш, шунингдек қонунийликни мустаҳкамлашни назарда тутлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т,«Ўзбекистон», 2017.–48 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, каттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Ҳалқ сўзи. – 2017. – 23 дек.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Ҳалқ сўзи.–2018.–13 янв.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан байрам табриги // Ҳалқ сўзи.–2020.–8 дек.